



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АҲЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИГА
ҲУҚМ ЭТИЛГАН МАҲКУМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ЎРНИ
БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ**

Ғаниев Сардор Зафаржон ўғли
ИИБ Академияси 312-гуруҳ курсанти

Айрим давлатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш шунингдек жазоларни ижро этиш фаолияти турлича йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жазоларни ижро этиш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир. Маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қилади. Шу сабабли, кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: Хорижий давлатлар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими, жазоларни ижро этиш фаолияти ўз кўринишига эга. Ҳар бир давлатнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа мамлакатларникидан муайян хусусияти билан ажралиб туради. Электорон мониторинг бўйича жаҳон тажрибасининг бошланиши йигирманчи асрнинг сўнгги чорагига бориб тақалади.

Бу борада ўзига хос тажриба Россия Федерациясида тўпланган. Мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятига раҳбарликни амалга ошириш асосида Президент ва ҳукумат қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик ва жамоат тартибини қўриқлаш бўйича ташкилий-бошқарув чора-тадбирларини амалга оширади, шунингдек жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари, ресурсларини белгилайди¹.

Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари «полиция участка пунктлари» сифатида номлана бошлади. Полиция участка нозирлари – полиция участка пунктларининг асосий

¹ Қаранг: Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецовой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2004. – С. 204. 2 Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 103–114.



субъектларидан бири бўлиб, уларнинг фаолияти Федерация ИИВнинг 2012 йил 31 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган «Полиция участка нозирларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари»га доир буйруқ² асосида ташкил этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларининг асосий хизмат вақти маъмурий ҳудудда ўтиши белгиланган бўлиб, улар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб бориш зарурати туғилганида полиция участка пунктларида фаолият кўрсатадилар³. Ўтказилган социологик сўров натижаларидан маълум бўлишича, мамлакат аҳолисининг 70 фоизи ҳудудий яқинлиги ва тезкор ҳаракат қилиш имкониятини инобатга олиб, полиция участка нозирларига мурожаат этишни маъқул кўрадилар⁴. «Полиция тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига кўра, полиция участка нозирларини маъмурий ҳудудда хизмат олиб боришга мўлжалланган бино билан таъминлаш, мазкур бинони мебель, тегишли техника ва алоқа воситалари билан таъминлаш, техник жиҳатдан эксплуатация қилиш федерал бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади⁵. Шунингдек, Россия Федерациясининг бир қатор ҳудудий ички ишлар органлари тизимида полиция участка нозирининг ёрдамчиси лавозими мавжуд бўлиб, ушбу лавозимга қабул қилинган ҳар бир ходим туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг буйруғи билан муайян полиция участка нозирига бириктирилади ҳамда унинг раҳбарлигида хизмат қилади. Полиция участка нозирининг жиноят ва ҳуқуқбузарлик ишлари юзасидан мустақил процессуал қарор қабул қилишдан ташқари барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан унинг ёрдамчиси ҳам фойдаланишига рухсат этилади.

Америка Қўшма Штатлари – маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунёда ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга бўлган давлат. АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари мавжуд бўлиб, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб боровчи марказий полиция идораси мавжуд эмас. АҚШда **18789** та маҳаллий полиция участкалари мавжуд бўлиб, уларнинг **13578** таси умумий тартибдаги маҳаллий полиция бўлинмалари, **3088** таси шерифлар идоралари, **49** таси штатлар бўлинмалари, қолганлари эса маҳаллий ва

² Қаранг: Приказ МВД России от 31.12.2012 № 1166 «Вопросы организации деятельности участковых уполномоченных полиции» / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://www.rg.ru/uchastkoviedok.html>. (дата обращения: 14.02.2018).

³ Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2001. – С. 315.

⁴ Қаранг: Мышляев Д. Н. О роли участковых инспекторов милиции в предупреждении административных деликтов, посягающих на общественный порядок// Проблемы деятельности служб общественной безопасности на современном этапе. – М., 2000. – С. 100.

⁵ Қаранг: Федеральный закон Российской Федерации от 07.02.2011 г. N 3ФЗ «О полиции» (редакция от 13.07.2015) / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: – URL: <http://sudact.ru/law>. (дата обращения: 14.02.2018).



штатлар махсус юрисдикция бўлинмалари (порт полициялари, транспорт полицияси ва бошқалар) ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кўплаб хорижий мамлакатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муниципал ички ишлар органлари, уларда ишловчи ходимларнинг ҳуқуқий мақоми кенг муҳокама қилинмоқда, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларининг бўлинмаслиги маҳаллий доирадаги масалаларни мустақил ҳал қилишда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини чеклаб қўётгани боис жамоат тартибини сақлаш ваколатларини бевосита муниципал тузилмаларга бериш таклиф қилинмоқда. Шундай тартиб АҚШ шерифлик хизматларида ўз аксини топган. АҚШда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш вазифаси асосан шерифлар зиммасига юклатилган. Шериф (ингл. «sheriff») Буюк Британия ва АҚШда ўз округида полициянинг муайян маъмурий функцияларни бажарувчи мансабдор шахси⁶ бўлиб, дастлабки даврларда шерифлардан графликларда қирол манфаатлари йўлида фойдаланилган. Ҳозирги кунда улар маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ва жазоларни ижро этиш бўйича полициянинг кенг ваколатлар доирасига эга ишончли вакилидир⁷. Шериф маъмурий ҳудудларда жамоат тартибининг ҳолати бўйича тўлиқ жавобгар бўлиб, хизмат ҳудудида бу борада бирмунча мустақил ва кенг ҳуқуқларга эга, шунингдек ҳуқуқни қўллашда деярли барча ҳокимият ваколатларидан фойдаланади, фаолияти маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади⁸. Шерифлик хизматларининг АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимидаги ўрни шунчалик каттаки, уларнинг қонунийликни таъминлаши – айрим штатларда Конституцияни таъминлашга тенглаштирилган, айрим Конституцияларда шерифларнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган. АҚШ полициясида шерифлар турли штатларда турлича тартибда 4–6 йил муддатга тайинланадилар. Жумладан, Род Айленд, Гавайи маъмурий ҳудудларида улар шахсан губернатор томонидан тайинланади. Калифорнияда бу лавозимга ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида тўрт йиллик иш стажига эга бўлган ходимлар тайинланса, Айдахо, Миссисипи, Оклахома, Канзас штатларида шерифликка номзод бўлган шахслар махсус ўқув курсини ўташи

⁶ Қаранг: Большой юридический словарь. Т. VI. – М., 1997. – С. 766.

⁷ Қаранг: Кваша Л. Ф. Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 1998. – С. 198.

⁸ Қаранг: Собиров М.С., Норов В.И. Поездка в Америку: отчет, впечатления, опыт. – Т., 1991. – С. 6. 5

шартлиги белгиланган⁹. Давлатнинг айрим маъмурий ҳудудлари, хусусан Айова-Ситида шерифга хизмат фаолиятини олиб боришда ўзининг ёрдамчилари ва бошқа масъул ходимларни бевосита лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ваколати берилган. Умуман олганда, шериф кўплаб округларда «тинчликни сақловчи», айна вақтда, «округдаги асосий расмий шахс» ҳам ҳисобланади. Шерифга оммавий тартибсизликларни бартараф этишда ва ҳибсга олишда округдаги барча эркак фуқароларнинг кўмагидан фойдаланиш, жиноятларни суриштириш, патруллик қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш каби ваколатлар билан бир қаторда, муниципал турмаларнинг аҳволи учун жавобгарлик ҳам юклатилган. Бу эса шериф ваколатлари доирасининг қанчалик кенглигини яққол кўрсатади. Мамлакатда аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида патруль-пост хизмати ходимларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганган америкалик мутахассислар ушбу хизматни «полициянинг юраги, ядроси» сифатида эътироф этишади¹⁰.

Аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган маҳкумлар билан ишлаш вф Қозоғистон тажрибасини ўрганиб чиқамиз. 2016-йил 30-декабрда Қозоғистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Янги қонун жазони ижро этиш тизимидаги кўп йиллик иш тажрибасига, Жиноят кодексининг, Жиноят-процессуал кодексининг янги нормалари талабларига асосланади., пробация бўйича ПСК (Қозоғистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси) бошқа давлатларнинг пробация соҳасидаги тажрибасини ҳам ҳисобга олади.

Қозоғистон Республикасида “Пробация” тушинчасига қуйидагича таъриф берилади. Пробация - бу тоифалари аниқланган шахсларнинг янги жинойий ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олиш мақсадида уларнинг хатти-ҳаракатларини тузатишга қаратилган назорат ва ижтимоий-ҳуқуқий характерга ега бўлган фаолият ва индивидуал тарзда белгиланадиган чора-тадбирлар тизими. Пробациянинг вазифалари қуйидагилардан иборат: пробация хизматларида ҳисобга олинган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; қонун билан белгиланган, **озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини ижро этиш**; озодликни чеклаш тарзидаги жазони ўтаётган, шартли равишда ҳукм қилинган, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан шартли равишда озод қилинган маҳкум устидан назоратни амалга ошириш. Пробация хизмати

⁹ Қаранг: Кваша Л. Ф. Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. – М., 1998. – С. 199.

¹⁰ Қаранг: Hale A. D. Police patrol. – New York. 1981. – P. 2; Осипов Ю. И. Организация патрульно-постовой службы местной полиции США. – М., 1990. – С. 8.



жиной-ижроия тизимининг жиноий жазоларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ижро этишни, шунингдек, пробацяни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича ижро ва маъмурий функцияларни амалга оширувчи органидир. Пробацянинг турларига қараб, қонун тўрт турни ажратади ва белгилайди булар: судгача пробаця; шартли пробаця; пенитенциар пробаця; жазони ўташдан кейинги пробаця.

Шартли пробаця -озодликни чеклашга ҳукм қилинган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан пробацион назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирлар ҳамда чоратадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Шартли пробаця назорати остидаги шахслар қуйидаги мажбуриятларга эга:

1) ҳукм ёки суднинг ажрими қонуний кучга кирган кундан еътиборан ўн кун ичида пробаця хизматига рўйхатдан ўтиш учун келиш;

2) жазони ва жиноят қонунининг бошқа чораларини ўташ шартлари ва тартибига риоя қилиш;

3) пробаця хизматига белгиланган кунларда ҳисобга олиш ва у билан профилактик суҳбат ўтказиш учун келиш;

4) яшаш, иш ёки ўқиш жойи ўзгарганлиги тўғрисида пробаця хизматига ёзма равишда хабар бериш;

5) қонун ва суд томонидан ўзига юкланган бошқа вазифаларни бажаради.

Шахс пробаця назорати шартларига риоя қилмаса, пробаця хизмати:

1) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсга нисбатан ёзма огоҳлантириш тарзидаги жазони қўллаш, шунингдек, жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, унинг ўталмаган қисмини алмаштириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун судга материаллар тақдим этиш, озодликни озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо билан чеклаш;

2) маҳкумга нисбатан шартли равишда синов назорати муддатини узайтириш ёки шартли ҳукми бекор қилиш ва суд ҳукми билан тайинланган ҳукми ижро этиш тўғрисида тақдимнома киритади.

Агар шартли маҳкум ўзининг белгиланган синов муддатининг камида ярми ўтганидан кейин ўз хатти-ҳаракати билан тузатилганлигини исботлаган бўлса, пробаця хизмати судга шартли судланганликни бекор қилиш ва судланганликни судланганликдан олиб ташлаш тўғрисида тақдимнома юборади.



Пробация хизмати шахсга нисбатан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг индивидуал дастурини тузади ва унинг бажарилишини таъминлайди.

Жиноий жазога ҳукм қилинган шахсларда қонунга итоаткорлик, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат муносабатини шакллантиришда уларга таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганишга кўмаклашиш муҳим омил ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида бунга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги «Озодликдан маҳрум этилган шахсларни меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 апрелдаги «Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида бу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, Тошкент вилояти ИИБ Пробация ва жазоларни ижро этиш бўлими Тарбия колониясининг 5-мактаби Зангиота тумани 35-мактаби билан бирлаштирилди. Бунинг натижасида Пробация ва жазоларни ижро этиш бўлими Тарбия колониясида мазкур мактабнинг филиали ташкил этилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-ҳунар таълими марказининг жазони ижро этиш муассасалари ҳудудидаги 4 та касб-ҳунар таълими муассасалари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилиб, касб-ҳунарга ўргатиш марказларига айлантилди.

Ўтган қисқа даврда озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг умумий ўрта таълим олиши учун олтита жазони ижро этиш муассасаларида умумтаълим муассасаларининг фаолияти йўлга қўйилди. Яна тўртта муассасада касб-ҳунарга ўқитиш марказлари иш бошлади. Шунингдек, «Уста-шогирд» тизими асосида маҳкумларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, умумтаълим муассасалари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари бўлмаган жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиши, шунингдек барча жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг олий таълим олиши учун имконият ва шароитларни яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Хўш, бу борада хориж мамлакати тажрибаси қандай?

Украина Республикаси Жиноят-ижроия кодексига асосан, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими, шунингдек, масофавий ўрта махсус ва олий таълим олишлари мумкин. Маҳкумларга «Психология», «Ҳуқуқшунослик», «Менежмент», «Ҳисобчи»,

«Реклама бўйича мутахассис» ва бошқа мутахассисликлар бўйича масофавий ўрта махсус ва олий маълумот олиш имконияти яратилган.

Маҳкумлар масофадан таълим олишлари учун алоҳида махсус компьютер синфлари ва бошқа шарт-шароитларлар ташкил этилган. Шунингдек, касб-ҳунарга йўналтириш бўйича ўқитиш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу касб-ҳунар таълими ўқиган маҳкумларга йўналиши бўйича электр устаси, сувоқчи, ёғоч ўймакорлиги, нонвой, тикувчи, сартарош ва бошқа бир қатор касблар бўйича диплом бериш амалиёти йўлга қўйилган.

Ушбу таълимнинг маҳкумлар учун афзаллиги шундаки, давлат таълим ҳужжатида маҳкумларнинг жазони ижро этиш муассасасида диплом олганлиги кўрсатилмайди.

Россия Федерациясида ҳам маҳкумларга олий таълимни масофадан ўқиш имконияти яратилган. Россия Федерал жазони ижро этиш хизмати қатор олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик йўлга қўйган. Уларни ўқитиш бўйича реабилитация дастурлари, жисмоний тарбия ва санъат, ҳунармандчилик ва бошқа фаолият турлари жазони ижро этиш муассасасида ташкил этилган.

Америка Қўшма Штатларида маҳкумларга таълим бериш рецидив жиноятларни камайтириш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ўтаётган ҳамда маҳкумларни озод этилганидан кейин иқтисодий имкониятларни яхшилашга қаратилган. Маҳкумларни олий таълимга ўқитиш бўйича турли дастурлар амалга оширилди. RAND Corporation томонидан ўтказилган тадқиқотларда ҳар қандай турдаги таълим рецидив жиноятни 43 фоизга камайтириши аниқланган.

Германияда маҳкумлар учун мактаб, гимназия ва университет таълимни тугатиш имконияти мавжуд. Жумладан, Германиянинг Фрейбург жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар мактабни, гимназияни ҳамда университетда таҳсилни ниҳоясига етказишлари мумкин. Ушбу муассасасидаги маҳкумлар Германиянинг «Hagen» университетда масофавий ҳамда сиртқи таълим оладилар. Эътиборлиси, жазо ўтаётган шахслар муассасадаги барча ишлардан озод қилиниб, ҳатто ойига 120 евро миқдорда степендия олиш имкониятига эга.

Норвегияда 1851 йилда реабилитация шакли сифатида таълимга қаратилган биринчи жазони ижро этиш муассасаси очилган. 2007 йилда Норвегиядаги ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида маҳкумларга таълим бериш учун мактаблар фаолияти йўлга қўйилди.

Хорижий давлатларнинг айрим жазони ижро этиш муассасаларида баъзи таълим турлари тўлов асосида ташкил этилган. Масалан, **Данияда** бошланғич ва ўрта мактабларда таълим бепул, ўрта-махсус ва олий таълим дарслари тўлов асосида ташкил этилади. **Буюк**

Британия ва Австралияда маҳкумлар кенг жамоатчиликка тақдим этиладиган ҳукумат кредитларидан фойдаланишлари мумкин. Буюк Британиядаги **Education Trust** каби хайрия гуруҳлари масофавий ўқишни молиялаштиришга қодир бўлмаган маҳкумларга грантлар ажратади.

Маълумотларга кўра, 2014 йилда **Англия ва Уэльсда** ўтказилган тадқиқотларга асосан 6000 нафардан кўп маҳкумларни ўрганиш натижасида таълим курсларида ўқиганларнинг қайта жиноят содир қилиш эҳтимоли 7 фоизга камайгани аниқланган.

Хорижий давлатларнинг маҳкумларга жазони ижро этиш муассасаларида барча даражадаги таълим шакллари жорий этиш амалиёти "ўтириб чиққан"ларнинг ишга жойлашиш имкониятларини оширади, қайта жиноят йўлига киришини олдини олади.

Ижобий натижа бериши аниқ бўлган хориж тажрибасини қўллашнинг фойдаси бўлса бўладики, илло зарари йўқ. Шундай экан, бизда ҳам жазони ижро этиш муассасаларида таълимни такомиллаштириш лозим. Бунда биринчи навбатда *озодликдан маҳрум этиш муассасалари билан олий таълим муассасалари ҳамкорликда маҳкумларни масофавий олий таълим бериш тизимини йўлга қўйиш* талаб этилади. Шунингдек, *озодликдан маҳкум этилган талабага нисбатан ўқишдан четлаштирилиши тўғрисидаги қондан бекор қилган ҳолда унга жазони ижро этиш муассасасида масофавий таълим олишини давом эттириш имкониятини бериш* керак.

Бундан ташқари жазони ижро этиш муассасаларида касб-ҳунар таълимида ўқиган маҳкумларга йўналиши бўйича диплом олиш амалиётини жорий қилиш ҳам, бизнингча, мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясим, 2018 ички ишлар органлари профилактик фаолияти – марузалар курси
2. Муҳамедов Ў. Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ИИО тизимидаги ислохотлар. – Т., 2018
3. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўзбекистон Республикаси ИИВ академик лицейлари учун дарслик. Р.Кабулов, М.Х. Рустамбоев, А.А. Отажонов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
4. Хайдаров М.М. Озодликни чеклаш жазоси: жиноят ва жиноятижроия ҳуқуқий жиҳатлари: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.
5. И.Исмаилов, Д.Миразов, Ж.Мухторов ва бошқ.

6 Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2017. -128 б.

7 Муҳамедов Ў.Х.Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич яқунлари ва истиқболдаги вазифалар: Монграфия. – Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -310 б.

8 Қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш принципи – Ички ишлар органлари фаолиятининг асоси: Монография/ Ў.Х.Муҳамедов, И.Исмаилов, Б.Э.Закиров ва бошқ. – Т.,2016.

9 Комбаров Р.В. Обязанности, являющиеся обязательными к установлению при назначении наказания в виде ограничения свободы // Пробелы в Российском законодательстве / Международный юридический журнал. – М., 2012. – №1.

